O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

ШУКУР ҚИЛГАН, ПОК НИЯТЛИ ХАЛҚМИЗ



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 26 июл чоршанба

Сотувда эркин нархда № 143 (2440)

1991-2000

Астойдил ҳаракат қилсак, хайрли орзуларимиз рўёбга чиқаверади.

Ҳалол меҳнат эвазига етиштирилган ҳосил увол бўлмасин!

Бугун ҳар бир ҳокимдан, божхоначидан, ички ишлар ходимидан, транспортчидан «Сиз тер тўкиб ишлаган деҳқонга мададкор бўлиш учун нима қилдингиз?» деб сўрашга ҳақлимиз.

Уммонга қуйилгай азим дарёлар

СИРДАРЁ БАҒРИДА КЕЗАР ИСТИҚЛОЛ



9 йил кўҳна тарих учун нима деган гап? У нари борса киприк қоқгулик муддат. Аммо инсонлар учун ана шу 9 йилнинг таърифлашга тил ожизлик қилувчи ўз моҳияти, ўз салмоғи ва ўз ўрни бор. 9 йил муқаддам дунёга келган чақалоқ бугун бийрон тилда шеър айтади, қўшиқ куйлайди, ҳеч иккиланмай ўз таржимаи ҳолини ёза олади.

Истиқлолнинг 9 йили давомида жондан азиз юртимизнинг тоза эпкин, ёруғ руҳ кириб бормаган бирон-бир гўшаси қолмади. Юртбошимиз уқтирганларидек, Сирдарё тарихи асло 1963 йилдан бошланмаган. Рус олимлари зўр бериб таъкидлаганидек, унинг тарихи октябр тўнтаришидан кейин ҳам бошланмаган.

БОБОЛАР РУҲИ ЎЛМАЙДИ

Ажойиб қаламкаш, салкам чорак асрлик онгли ҳаётини Сирдарё тарихини ўрганишга бағишлаган олим Пиримқул Дўстмаматовнинг изланишлари шуни кўрсатадики, Сирдарё зардўштийликнинг муқаддас «Авесто» китобида Дану, қадимги юнон манбаларида Таноиз, форс-эрон қўлёзмаларида Яксарт, Хитой солномаларида Судушана, араб хариталарида эса Сайхун деб тилга олинади. Бу ўлка халқлари бой-бадавлат яшаган. Ана шу бойлик милоддан аввалги 329 йилда Искандар Зулқарнайннинг Сирдарё бўйларига ҳужум қилишига сабаб бўлган. Қадим аждодларимиз бу беаёв фотиҳнинг Фарғона водийсига ўтишига тўсқинлик қилганлар. У айнан Сирдарё бўйидаги Кир шаҳрини ишғол этаётганда момоқонлар қабиласи отган палақмон тошидан оғир яраланади.

Қадим Сирдарё бўйларида Нуртепа, Қайроққум, Қовунчи, Жеттиасар каби маданият марказлари вужудга келдики, улар қўшни халқлар бўлган парканаликлар ва сўғдийлар билан мустаҳкам савдо ва маданий алоқаларни йўлга қўйишган. Яқинда Самарқанд вилоятининг Челак ҳудудида жойлашган Кўктепада сирдарёлик сак қабиласи маликасининг қабри топилди.

Ана шу далиллардан маълум бўладики, бу ерда азал-азалдан ҳаёт гуллаб-яшнаган.

Бу нурли кунларни Сирдарёнинг кумуш даври дегудек бўлсак, мустақилликнинг тўққиз йилини ривожланишнинг олтин палласи деб аташ мумкин. Нима учун мана шу тўққиз йилни айнан олтин давр, деб атаяпмиз?

Бундан кўп эмас, атиги ўн йил аввал вилоятни тенг иккига кесиб ўтган Катта Ўзбек йўлида қатнаётган автобус ва енгил автомашиналардаги йўловчилар қамишзор ва шўразорларни, гирди оппоқ тузлар билан қопланган кўл ва кўлмакларни кўрмаслик учун кўзларини «чирт» юмиб олишарди. Мирзачўл қизил империя учун оддий бир пахта етиштирувчи минтақа эди, холос.

ЭНДИЛИКДА-ЧИ?

Сирдарё ГРЭСи, Фарҳод ГЭСи билан бирга олиб қаралганда, вилоят иқтисодиётининг асосий қон томирларидан бири ҳисобланади. Бу нурхоналарда бир йилда ўрта ҳисобда 13 миллиард киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқарилаяпти. Ўзбекистондаги салкам 35 фоиз саноат корхоналари, турар жой бинолари айнан мана шу пахлавонлардан куч-қувват олади. Бу ерда бугунги кунда 20 миллат вакили меҳнат қилмоқда. Иттифоқ парчаланиб кетган дастлабки йилларда баъзилар ўзларининг тарихий ватанларига кўчиб кета бошладилар. Ана шунда хориж матбуоти «Энди бу нурхоналарда иш тўхтаб қолади. Ўзбекистон энергетикаси таназзулга юз тутади» дея аюҳаннос кўтаришганди. Орадан ўтган йиллар башоратчиларнинг тахминларини чиппакка чиқарди. Боболари олам таниган, дунё тан берган файласуфу математик, осмоншуносу улуғ мусаввирлар бўлган кишилар ҳар икки нурхонада ишни қойилмақом қилиб давом эттиришди.

Сирдарё — аграр вилоят. Буни ҳамма билади. Ана шу аграр вилоят марказида уч йил муқаддам илк маҳсулотини чиқарган «Лечиво — Ўзфармсаноат» ўзбек-чехия қўшма корхонаси ҳозирда Ўзбекистондаги энг йирик дори-дармон тайёрловчи корхоналардан бири бўлиб қолди. Бу қўшма корхонада 23 хил турдаги малҳамлар тайёрланмоқда. Қиймати миллион-миллион Америка долларига тенг бу дори-дармонларнинг катта қисми хорижга экспорт қилинмоқда.

Гулистон шаҳридаги қандолат тайёрлайдиган ўзбек-сурия, Сайхунобод туманидаги «Сайхун-Пая» ўзбек-эрон, шу тумандаги «Сайхунжелд» ўзбек-швейцария қўшма корхоналарининг айни пайтда вилоят иқтисодиётини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси салмоқлидир.

Бугунги кунда яна ўнлаб қўшма корхоналар иш бошлаш арафасида турибди. Уларнинг аксарият қисми туман марказларида, қишлоқларда бунёд этилаётганлиги, шубҳасиз, юзлаб қўшимча иш ўринларини яратмоқда. Бошқача айтганда, вилоят ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган 2000-2005 йилларда қишлоққа саноат тизимини олиб кириш дастури изчил амалга оширилмоқда.

КАРВОНБОШИМИЗГА ИШОНАМИЗ

Икки-уч кундан буён тунов кундаги мажлис хаёли билан юрибман. Юртбошимизнинг «Шукур қилайлик, ношукур бўлмайлик. Ўн беши қоронғу ойнинг ўн беши ёруғ бўлиши аниқ. Оллоҳ ҳам «Сандан ҳаракат, мандан баракат», деган» дея қайта-қайта такрорлаган гаплари қулоғим остида жаранглаяпти. Бундай даъват қилиб, одамларни яхшиликка, аҳилликка, баҳамжиҳатликка чорловчи одам икки дунёда ҳам кам бўлмайди. Ҳаммадан ҳам, Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий ислоҳотларнинг 2000 йил биринчи ярми якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисидаги маърузасида айтган гап-сўзлари, ҳар бир масалада мунозараларга алоҳида аҳамият бериб, маслаҳат ила иш тутиши — бу халқ кўнглидаги ишдир. Зеро, донолар «Маслаҳатли тўй — тарқамас», деб топиб айтишган.

Юртбошимизнинг мамлакатимиз ҳеч қайси ривожланган давлатдан кам бўлмаслиги учун, дастурхонимиз тўкин, турмушимиз фаровон, энг муҳими, тинч-осуда яшашимиз учун барча қийинчиликларни бартараф этиб, қилаётган саъй-ҳаракатлари, албатта, зое кетмагай. Боиси — биз ўз карвонбошимизга ишонамиз.

Патхулла ҚОДИРОВ.
Тошкент шаҳар,
С. Раҳимов тумани.

ЖУРНАЛИСТ ХОЛИС БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизматида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган чет эллик ва маҳаллий журналистлар учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда Ўзбекистон Президентининг матбуот котиби А.Зиёев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М.Раҳмонқулов иштирок этди.

Учрашувда Ўзбекистонда юз бераётган улкан ўзгаришлар ва изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнининг чет эл оммавий ахборот воситаларида қандай ёритилаётгани ҳақида сўз борди. Кўпгина хорижий мамлакатларнинг оммавий ахборот воситаларида Президент Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда эришилаётган ютуқлар, жамият ҳаётида юз бераётган улкан ўзгаришлар дўстона назар ва катта хайрихоҳлик билан кенг ёритиб келинмоқда. Бундай чиқишлар, табиийки, мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Афсуски, деб таъкидланди учрашувда, Ўзбекистондаги бундай ўзгариш ва жараёнлар чет элдаги барча оммавий ахборот воситаларида ҳамиша ҳам холислик билан ёритилмаяпти. Воқеалар айрим ҳолларда бир томонлама, атайлаб нотўғри талқин этилмоқда. Бундай талқинларнинг ортида турган доиралар асосан икки мақсадни кўзлаётгани сир эмас. Биринчиси Ўзбекистоннинг халқаро майдонда тобора ўсиб бораётган обрўсига путур етказиш, халқ орасида ҳукуматга, эртанги кунга ишончсизлик кайфиятини уйғотиш, одамларни ваҳимаю саросимага солиш бўлса, иккинчиси, мамлакатимизнинг ўзга давлатлар билан ўрнатган дўстона муносабатларига зиён етказишдир. Шу муносабат билан чет эл оммавий ахборот воситалари учун хизмат қилаётган журналистларнинг бундай найрангларга учмаслиги, ахборот олишда мамлакатимизнинг тегишли идоралари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати билан яқин ҳамкорлик қилиши мақсадга мувофиқ экани таъкидланди.

Аслини олганда, хорижий агентлик, телерадио компания ва газета-журналлар учун хизмат қилаётган журналистларнинг аксарияти Ўзбекистон фуқароларидир. Бу уларга журналистлик бурчи билан бирга, фуқаролик масъулиятини ҳам юклайди. Сўнгги вақтларда чет эл оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон ҳақида, беозор қилиб айтганда, нотўғри ахборот тарқатаётганлар, эҳтимол, бирор марта ҳам юртимизга қадам босмагандир. Лекин ўзбекистонлик журналист шу ерда, ўз халқи орасида яшаб, юз бераётган мисли кўрилмаган ўзгаришлардан яхши хабардорлиги ва бу ўзгаришларнинг моҳиятини теран англаши табиий. Аммо ахборот тарқатиш асосида ижобий ўзгаришлар ҳақида кам гапирилади-ю, асосий урғу салбийларига берилади. Ҳолбуки, Ўзбекистонда мавжуд муаммою камчиликлар ҳар қандай мамлакатда ҳам учраши мумкин.

Дейлик, мамлакатимиз хавфсизлиги билан боғлиқ мавзу қаламга олинса, баъзан у атайлаб халқ орасида саросима уйғотишга қаратилганлиги сезилади. Ёки жиноят устида қўлга олинган бирор экстремист устидан суд бошланса, айрим мамлакатлар оммавий ахборот воситаларида дарҳол инсон ҳуқуқлари масаласи кўтарилади. Ваҳоланки, у ҳар қандай жиноятчи каби ўз қилмиши учун жазо олиши шарт.

Ёритилаётган мавзулар орасида Ўзбекистон халқининг мустақилликка эришганидан кейин қўлга киритаётган ютуқлари, мамлакатнинг тамомила бошқа иқтисодий тизимга ўтиш жараёни ҳақида холисона таҳлилларни топиш қийин. Аслида эса, мустақиллик ва янгича ҳаёт чинакам тарихий воқеалардир. Озодликка эришиш ва сақлаб қолиш, янги ҳаёт қуриш осон кечмаслиги табиий. Ўзбекистон ҳақида гап кетганда, бу омилларни эътибордан четда қолдириш адолатсизликдир.

Экологик инқироз, диний экстремизм ва халқаро терроризм дунёвий муаммоларга айланди. Уларнинг Ўзбекистонга ҳам жиддий таҳдид солаётгани сир эмас. Лекин хориждаги оммавий ахборот воситаларида мазкур муаммоларнинг туб моҳиятини очиб берадиган жиддий, холисона таҳлиллар, афсуски, жуда кам. Ҳолбуки, бундай чиқишлар нафақат Ўзбекистон, балки дунёдаги барча мамлакатлар манфаатларига мос тушар эди.

Учрашувда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

Анвар БОБОЕВ (ЎзА).

ТАҲЛИЛ, ТАНҚИД ВА ХУЛОСА

Жойларда бўлаётган йиғилишларда ислоҳотларнинг устувор вазифалари муҳокама қилинмоқда

НАМАНГАН

Куни кеча ўтказилган йиғилишда Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар, ҳукуматнинг «1998-2000 йиллар даврида Наманган вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарорининг ижроси кўриб чиқилди. Вилоят ҳокими Т. Жабборов маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга тўсқинлик қилаётган камчилик ва нуқсонлар хусусида батафсил тўхталиб, кичик ва ўрта бизнесни янада кенгроқ қўллаб-қувватлаш, ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, чет эл сармояларини кўпроқ ўзлаштириш юзасидан ўз фикрларини билдирдилар.

Йиғилишда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б.Ҳамидов сўзга чиқди.

Қ.НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФАРҒОНА

Кеча бўлиб ўтган бу йиғилишда ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисида Президент Ислом Каримов сўзлаган маърузадан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

Унда эришилган ютуқлардан кўра фойдаланилмаган имкониятлар, йўл қўйилган камчиликлар ҳақида кўпроқ гап борди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Исмоилов, Фарғона вилояти ҳокими А.Отабоев нутқ сўзлади.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

НАВОИЙ

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилнинг биринчи ярми якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисидаги Президент маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар вилоятда ўтказилган йиғилишда белгилаб олинди. Ўтган ярим йилда амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар аниқ мисоллар билан таҳлил этилди. Иқтисодиётни эркинлаштириш суръатини ошириш бўйича олдинда турган энг муҳим масалалар қайд этилди.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚУВОНЧЛИ ХАБАР

ЯНГИ ҲАФТАЛИК

Янгиликнинг қаноти бор. Гўё у димоғингизни қитиқлаган иссиқ нон ҳидидай, юракни ҳаб-қиртирган чақалоқ ингасидай беизн, беозор ҳузурингизга кириб келаверади... Гапни лўнда қиладиган бўлсак, вақтли нашрларимиз оиласи яна бир газетага бойиди. «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигининг кеча илк сони газетхон қўлига етиб борган нашрига «Моҳият» дея ном берилди.

Азалдан донишмандларимиз ҳар бир нарса ва тушунчага унинг зоҳирига эмас, аксинча, ботини, яъни асл моҳиятига қараб баҳо беришган. Янги аср остонасига қадам қўяр эканмиз, мамлакатимизда рўй бераётган оламшумул ислоҳотлар самарасининг гувоҳи бўламиз. Бунда фуқароларимизнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ва фаоллиги ортади. Ана шундай пайтда воқеликнинг асл моҳиятини очишда сизга «Моҳият» баҳоли қудрат кўмакка келади. Унинг ранг-баранг чиқиши, кўпчиликнинг хонадонига ёруғ юз билан кириб бориши сизга ҳам боғлиқ. Янги суҳбатдош муборак бўлсин, азиз муштарий!

Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.

СИРДАРЁ БАҒРИДА КЕЗАР ИСТИҚЛОЛ

БАХТИ КУЛГАН УЧ ШАҲАР

Ширин тоғи ва Ширинсой бўйида жойлашган Ширин шаҳри бугунги кунда аҳоли жон бошига даромад топиш бўйича республикамизда энг юқори ўринларнинг бирини эгаллайди. Шаҳарда қурилиш корхоналари, машинасозлик заводи, спирт ишлаб чиқарадиган катта цех ишлаб турибди. Мустақиллик йилларида кичик бу шаҳарда салкам юзга яқин хусусий корхоналар ташкил топди. Шаҳардаги энергетика коллежида бугунги кунда юзлаб йигит-қизлар нурчилик касбини қунт билан ўрганишмоқда. Иккинчи коллежда эса яна юзлаб ёшлар этикдўзлик, ошпазлик, сартарошлик, қурувчилик касбини эгаллаш билан банд. Шаҳар гўзал боғлари, хиёбонлари, кафтдек текис йўл ва қўприклари билан меҳмонларда ажиб бир таассурот қолдиради. Кейинги уч йил ичида Ширинда юзлаб кишилар янги уйларга кўчиб ўтишди.

Ўтган йили вилоятда чет эл сармоясини жалб этиш бўйича ўтказилган семинар-кенгашда қатнашган америкалик бир бизнесмен Гулистон ҳақида «Бу шаҳар чўл маркази эмас, балки кичик Лас-Вегасдир», деган эди.

Америкаликлар мақтовни ерга совуришмайди. Улар мақтовни худди пул каби билиб, сезиб, жойини топиб ишлатишади. Айнан мустақиллик йилларида шаҳарда «Бокс саройи», «Никоҳ саройи», «Меҳрибонлик уйи», тўртта банк, вилоят хўжалик суди биноси, қариялар оромгоҳи, ўнлаб ресторан, қаҳвахона, чойхона ва ошхоналар бунёд этилди.

Айнан мустақиллик йилларида минг нафарга яқин гулистонлик хонадон соҳибларию соҳибалари янги ҳовли тўйларини нишонлашди. Шу ўринда бир далилни айтмаслик мумкин эмас. Сўнгги уч йил ичида вилоятда бунёдкорлик ишларига 30 миллиард сўм маблағ сарфланди. Бундай салмоқли маблағни ўн йил муқаддам ҳатто тасаввур ҳам қилолмасдик.

Ёдингизда бўлса, ҳикоямиз бошида Катта Ўзбек йўлининг икки четидаги шўразору қўлмакларни тилга олиб ўтгандик. Айнан истиқлол йилларида аҳвол тубдан ўзгариб кетди. Сирдарё кўпригидан ўтган йўловчи энди кўзини юмиб олмайди. Ҳайрат аталмиш, ҳавас аталмиш бир ҳис йўловчи кўзларини чарақлатиб юборади. Янги экилган ниҳол ярпоқлари шабадада чапак чалади. Тарашланган эски боғлар бағридаги мевалар кўзни қувонтиради. Сирдарё ва Бахт шаҳарларини ҳозирда кўпчилик одам таниёлмай қолади. Сирдарё шаҳрини олиб кўрайлик. Унинг кунчиқар томонида Камаргородок деган бир ташландиқ жой бўларди. Кўклам келиб, ҳаво илиқи билан у ерда ғужғон ўйнайдиган пашшаю чивинлар одамларни безори жон қилиб юборарди. Мана шу ташландиқ жой ўрнида ресторан, қаҳвахона, дорихона, нонвойхона, ўнлаб дўконлар, дам олиш масканлари барпо этилди. Ва Камаргородок деган ташландиқ жойга «Қамаристон» деб ном берилди.

Бахт шаҳрида мустақиллик йилларида ишбилармон ва тадбиркорларнинг ташаббуси, эл ҳашари билан 150 га яқин дўконлар, ошхоналар, бозор ва автобекатлар бунёд этилди. Вилоят ҳокимлигининг барча тизимлари кейинги пайтда тадбиркорларни ва тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши оддий бир ҳолга айланиб қолди. Сирдарё кўпригидан то гўзал Янгиер шаҳригача бўлган 80 чақиримлик масофада адоғига етказилган ва давом эттирилаётган бунёдкорлик ишларини таърифлашга қалам ожизлик қилади.

Тадбиркорлик, ифодали қилиб айтганда, давр ёрлиғига айланиб қолди. Вилоят бизнес маркази компьютерлари бугунги кунда жаҳон «Интернет» тармоғига уланди. Эндиликда мирзачўллик тадбиркору ишбилармон дунёнинг исталган нуқтасида бўлиб ўтаётган биржа савдолари ҳақида маълумот олиши, дунёнинг исталган нуқтасидаги ўз ҳамкасбига молини таклиф қилиши ва ўз навбатида ундан ўнлаб таклифларни эшитиш имконига эга бўлди.





ВИЛОЯТДА

● Ўрта Осиёдаги энг йирик Сирдарё ГРЭСи ва иккинчи жаҳон уруши йилларида бунёд этилган Фарҳод ГЭСи ишлаб турибди. Ва бу нурхоналар бир йили 13 миллиард киловатт-соатга яқин электр қуввати ишлаб чиқармоқда.

● Уй-жой қурилиши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Чунончи, 1995 йили 83,9 минг квадрат метр уй-жой қурилган бўлса, 1998 йили 196,2 минг квадрат метр, ўтган йили эса 209 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди.

ТАБИАТНИНГ ЎЖАРЛИГИ

наманганлик деҳқонларни саросимага сола олмади

Поплиқлар ҳар йили кўплаб табиат синовларини бошдан ўтказсалар-да, саратоннинг авжи чилласида ёққан ёмғир бунчалик панд беришини сира кутишмаган эди. Ўтган якшанба куни кечга томон ёққан ярим соатлик жала ва дўл шода-шода кўсаклар билан безанган ғўзаларни қурук чўпга айлантирди.

— Сўнгги пайтларда ҳавонинг авзойи тез-тез бузилишини кўриб, дам олиш кунини ҳам далада ўтказаётгандим, — дейди «Амиржон ота» фермер хўжалиги раҳбари Зокиржон Муҳсиналиев. — Хавотирим бежиз эмас экан. Кучли шамол билан қўшилиб ёққан жала ва дўл ўз ишини қилди. 66 гектар майдондаги шона, гул ва кўсаклар ер билан битта бўлиб, пайкаллар бўтана сувга тўлди. Гапнинг очиғи, буни кўриб, йиғлаб юбордим. Эсиз, эндигина кўсаклар тўлишиб, дастлабки чаноқлар юз оча бошлаганди-я. Туман ҳокимияти, жамоа хўжалиги мутасаддиларига раҳмат. Ўз вақтида келиб, аҳволимиздан хабар олишди, зарур ёрдам кўрсатишди, кўнглимизни кўтаришди.

Дарҳақиқат, табиатнинг «қалтис» ҳазили поплик деҳқонларга анча ташвиш туғдирди. Салкам уч минг гектар пахтазор, анчагина узумзор, такрорий экин экилган пайкаллар жиддий зарарланди. «Поп», «Найман», «Машъал» жамоа ва ширкат хўжаликларида кучли сел оқими экинзорларгагина эмас, ариқ-зовурлар, йўлларга ҳам шикаст етказди.

Туман аҳли юз берган табиий офат қаршисида саросимага тушиб қолгани йўқ. Мавжуд кўчатларни сақлаб қолиш чоралари кўрилди. Жала ва дўл тиниши биланоқ, суғориш тармоқларини тозалашга киришилди. Электр тармоқлари, насос қурилмаларининг иши зудлик билан тикланди.

Бугун нафақат Поп, балки кучли ёғингарчиликдан зарар кўрган қўшни Мингбулоқ ва Косонсой туманларида ҳам табиий офат оқибатлари бартараф этилмоқда. Вилоят ҳокимлиги сафарбарликни кучайтириб, зарар кўрган хўжаликларга ҳар томонлама кўмак бермоқда. Уларга қўшимча транспорт, культиватор, ишчи кучлари юборилди. Ажратилган минерал ўғит ва бошқа воситалар ҳам ғўза ривожини жадаллаштириш, далалардаги мавжуд ҳосилни сақлаб қолиш мақсадларида ишлатилмоқда.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади.

Ислом КАРИМОВ.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ҒОВЛАР

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий талаби хусусийлаштиришдир. Кўплаб корхоналар акциядорлик жамиятларига айлантирилди. Маълумки, мамлакат парламенти «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳам қабул қилди. Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий ислоҳотларнинг 2000 йил биринчи ярми якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисида таъкидланганидек, хусусийлаштириш жараёнларини такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар дастурини бажариш борасидаги ишлар ўз натижаларини бермоқда. Бироқ бу соҳадаги ишлардан ҳали тўла қониқиш ҳосил қилиб бўлмайди. Юртбошимиз айтганларидек, «аксарият корхона раҳбарларининг ўзлари ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш моҳиятини яхши тушунмайди, эски қолиплар билан яшайди».

Прокуратура фош этади

Айни пайтда хусусийлаштиришни ниқоб қилиб, фақат ўз манфаатини ўйлайдиганлар ҳам иш ривожини сусайтирмоқда. Улар қимматли қоғозлардан шахсий манфаат излаб, бозор ислоҳотларига тўғаноқ бўлмоқдалар. Юқорида номи зикр этилган қонун мавжуд бўлишига қарамасдан, айрим раҳбарлар амалда унинг ижросини таъминламаяптилар. Бу эса ўз-ўзидан турли хилдаги нохуш воқеаларни келтириб чиқаряпти. Вилоят прокуратураси идоралари томонидан ушбу қонунга қандай риоя этилаётганлиги юзасидан ўтказилган текширишларда ана шундай камчиликлар аниқланди. Жумладан, М.Мўминов раҳбарлик қилаётган «Андижонмебель» акциядорлик жамиятида «Халқпарварлик» хусусийлаштириш инвестиция фондига нисбатан қонунбузарликлар бўлганлиги кузатилди. Маълум бўлишича, фондга тегишли бўлган 545 дона акция учун 1997 йил якунлари бўйича 33 минг сўм, 1998 йил учун 104 минг сўм дивидендлар инвесторларга тўланмаган. Амрномамиз асосида «Андижонмебель» акциядорлик жамиятидан инвесторларга 137 минг сўм дивиденд маблағлари ундирилди. Яна бир мисол. «Андижон-Хизмат» акциядорлик жамияти 1996 йил 21 октябрда очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилган. Таажжубланарлиси шундаки, шу йилнинг июн ойидаги текширишларга қадар М. Қодирова раислик қилаётган мазкур жамият инвесторларига акция сертификатлари чиқарилиб берилмаган ва акцияларни депозитарийга жойлаштирмаган. Бундан ташқари, акцияларнинг олди-сотди шартномалари инвестиция институти орқали рўйхатга олинмаган, инвесторлар ҳисобини юритиш ҳақидаги ҳисоботлар марказ бўлимига тақдим этилмаган. Бу эса жамиятда «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддаси талаблари бузилганлигини кўрсатади.

Қонунга асосан, марказ бўлими томонидан жамиятга энг кам иш ҳақининг 870 баробар (1 миллион 522 минг 500 сўм) миқдорида иқтисодий жарима қўлланилган ва бу маблағ давлат бюджетига ундирилган. Айни пайтда Андижон шаҳар прокуратураси томонидан «Андижон-Хизмат» акциядорлик жамиятининг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шаҳрихон тумани «МТП» давлат акциядорлик жамияти 1998 йил якуни бўйича 3 миллион 319 минг сўм фойда билан чиқиб, шундан 3 миллион 153 минг сўми дивидендга ажратилган. Шунингдек, 1999 йил якуни бўйича эса 15 миллион 727 минг сўм фойда билан чиқиб, 95 фоизи ёки 14 миллион 940 минг сўми дивидендга ажратилган. Аммо ушбу маблағлар текшириш кунига қадар акциядорларга берилмасдан келинаётганлигини қандай тушуниш мумкин? Текшириш натижаларига кўра, юқоридаги маблағларни ҳиссадорларга бериш ҳақида амрнома киритилиб, қонун бузилишларини бартараф этиш ҳамда жамият бош ҳисобчиси М.Аҳмаджоновни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш учун тақдимнома киритилди.

Хўжаобод тумани «Агрокимётаъминот» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида 1997 йил якуни бўйича ҳар бир акция учун 845,39 сўмдан, жами 1 миллион 233 минг 420 сўм дивиденд ажратилган. К. Хўжамбердиев раислик қилаётган мазкур жамият ҳам юқоридаги ҳолат каби ажратилган маблағни текшириш кунига қадар бермаган. Ваҳоланки, акциядорларнинг умумий йиғилишида 1998 йил 1 сентябрга қадар тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши белгиланган эди. Бунда ҳам қонун бузилишини бартараф этиш ҳақида амрнома, акциядорлик жамияти бош ҳисобчиси К. Бекмирзаевни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш ҳақида тақдимнома жамият раиси номига киритилди. Амрнома ижроси бўйича 26 нафар акциядорга 1 миллион 223 минг 420 сўмлик дивиденд тўла ундирилиб берилди. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 53-моддасига кўра, жамият акцияларининг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендлар тўланиши шартлиги кўрсатилган бўлишига қарамасдан, Андижон туманидаги «Оқёр» акциядорлик жамияти томонидан эълон қилинган 220 минг 500 сўмлик дивиденд ҳақлари 56 акциядорга умуман тўланмаган.

Булардан ташқари, «Жиҳозлаш» акциядорлик жамиятида 1 миллион 34 минг 703 сўмлик дивиденд 14 акциядорга, Асака шаҳридаги «Аизис» акциядорлик жамиятида эса 67 минг 470 сўмлик дивиденд 15 акциядорга тўланмаган. Мазкур ҳолатлар бўйича акциядорларнинг манфаатларини кўзлаб, даъво аризалари кўзғатилди.

Товус қанотига қараб яйрайди, оёғига қараб йиғлайди, деган мақол бор. Товуснинг қанотлари қанчалик гўзал бўлгани билан оёқлари ҳамиша дардманд экан. Биз ҳам текширишлар жараёнида вилоятдаги кўплаб акциядорлик жамиятларидаги янгича иш услуби, моддий ва маънавий манфаатдорликка интилишни кўриб кувонган бўлсак, юқоридаги бепарволик, бебурдлик ва беандишаликни кўриб, ниҳоятда ачиндик. Бундай мисоллар жойлардаги акциядорлик жамиятларининг раҳбарлари орасида бозор иқтисодиёти талабларини, бугунги кун мазмун-моҳиятини яхши англамайдиган масъулиятсиз шахслар борлигини кўрсатади. Улар шуни яхши билишлари керакки, қонунни четлаб ўтиш мақсадидаги ҳар қандай уриниш жазосиз қолмайди. Зеро, халқ манфаати — муқаддас. Унга кўз олайтирганлар қонун олдида жавоб берадилар.

Н. ҚУРБОНОВ,
Андижон вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари.

ЖЎШҚИН ИЛМИЙ ФАОЛИЯТ

«Атроф-муҳитнинг монитoринги ва экологик хавфсизликни таъминлаш муаммолари» деб номланган дастур доирасида физиология ва биофизика билимларининг қатор муҳим назарий ва амалий томонлари атрофлича тадқиқ этилмоқда. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Физиология ва биофизика институти олимлари ушбу муаммони ҳал этиш йўлида самарали изланмоқдалар.

— Тадқиқотчиларимиз атмосфера ифлосланишини ўта сезувчан дарахт турларини аниқладилар, — дейди институтнинг илмий котиби Зулайҳо Маматова. — Бунда бизга лазер нурлари асосида олиб борилган тажрибалар қўл келди.

Турли кимёвий эритмаларнинг буйрак ион тизими ҳолатига таъсири ҳам ўрганиб чиқилди. Ушбу ионлар миқдорининг киши бадани-да кўп бўлиши буйрак каналлари ўтказувчанлигига ўз таъсирини кўрсатиши кузатишларда аниқланди.

Биз фотосинтетик аппаратнинг электрон ташувчи занжири тартибига асосланган биофизик жараён устида ҳам изландик. Кузатишдан шу нарса маълум бўлдики, кўк ва қизил нур билан ишлов берилганда, ғўза баргининг ўсиши анча яхшиланди.

Акбар АЛИЕВ.

ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

Молдовалик бир гуруҳ селекциячи олимлар мана, тўрт йилдирки, мамлакатимизнинг айрим минтақаларидаги тажриба майдонларида ёғ, шакар, крахмал олинувчи экинларни етиштириш билан шуғулланиб келмоқда. Улар Пешку туманидаги Й.Охунбобоев номли хўжаликда ҳам ғалладан бўшаган ерларга ана шундай ўсимликлар уруғини экишди.

— Биз кунгабоқар ва соянинг ўзимиз яратган гибрид навларини шу ерда синаб, такрорий экинлардан катта фойда олиш мумкинлигини тажрибада кўрмоқчимиз,— дейди Бельц (Молдова) қишлоқ хўжалик илмий-текшириш институти селекционери, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Петр Хропотинский. — Бу ишда мен билан "Вавели" илмий-ишлаб чиқариш фирмаси агрономи Василий Кожокару ҳамкорлик қиляпти.

Айни пайтда хўжаликдаги 38 гектар майдонда кунгабоқар, 2 гектар ерда эса соя экинлари униб чиқиб, баравж ривожланмоқда.

Олимлар тахминича, бу ерларда ўсимликларнинг ҳосилдорлиги гектарига 30-35 центнерни ташкил қилиши мумкин. Кунгабоқар ва соя уруғидан 45-50 фоизгача ёғ олинишини этиборга олсак, тажриба катта иқтисодий фойда келтиришини англаш қийин эмас.

Илҳом САФАР,
ЎзА мухбири.

Савдо тизимида

НАЗОРАТНИ

Сўфи ота деган қандолатфуруш ҳар куни «шара-бара»ларини маҳалламиз гузаридаги азим чинор остига ёйиб, эрмак қилиб ўтирар эди. Мен бу ердан ҳар куни ўтганимда, у кишининг тарози палласини ажиб бир маҳорат билан тез-тез артиб туришини ҳайрат билан кузатар эдим. Сўфи отадан бунинг сабабини сўраганимизда, шундай деб жавоб қайтарарди:

— Дунёда энг оғир жиноятлардан бири тарозининг ҳаки бўлади. Харидорнинг ҳакидан уриб колган савдогарнинг у дунёю бу дунёда косаси окармайди. Охиратда жавоби бор, ахир. Мен шундан кўркаман. Ҳатто тарози палласига кўниб колган чанг ҳам менинг гарданимга ўтиб колмасин, дейман. Шунинг учун паллага у-бу солишдан аввал, албатта, чангни артиб ташлайман. Шунда кўнглим ёришади, харидор олдидаги карзимни ўтагандай бўламан.

Ота-боболаримизнинг бундай муқаддас удумлари асрлардан-асрларга, даврлардан-даврларга ўтиб келаётгани қувонарлидир. Харидорнинг ҳаки муқаддаслиги тўғрисида муборак Ҳадиси шарифларда ҳам талай ҳикматлар битилган. Афсуски, ҳозирги кунда айрим «тадбиркор» савдогарларнинг тарози палласидаги чанг тугул туяни ютиб юборса ҳам думини кўрсатмасликларидан ёқа ушлаб қоласан, киши.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, савдо дўконларида 8 турдаги кундалик эҳтиёж моллари таъминоти, меъёрли тақсимоти, сифати ва сотилиши юзасидан мунтазам равишда назорат қилиб борилмоқда. Бу борада, айниқса, Фарғона вилоят прокуратурасининг янги ташаббуси таҳсинга лойиқдир. Мазкур прокуратура «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда, қуйи бошқарув идораларининг ваколатини таъминлашга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, шу органлар ва бошқа жамоат ташкилотлари орқали жамоатчилик назоратини вужудга келтириш, энг муҳими, фуқароларнинг фаоллиги, талабчанлигини ошириш, уларда истеъмолчиларга хос даъвогарлик кайфиятларини уйғотиш мақсадида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Бу қандай самара бераяпти?

Бугунги кунда Фарғона вилояти қишлоқларида 1400 дан зиёд, шаҳарларда эса «Фарғонасавдо» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 160 та, шунингдек, улар билан бирга шартнома асосида иш юритаётган 132 та хусусийлаштирилган савдо шохобчаси мавжуд. Бу дўконларга кирсангиз, ички ишлар ходимлари, солиқ ҳамда назорат инспекциялари вакилларини деярли учратмайсиз. Чунки жамоатчи назоратчиларнинг фаолияти фақат савдодаги қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олибгина қолмасдан, савдо хизмати ва маданияти даражасини яхшилашга ҳам ижобий таъсир кўрсатяпти. Гап шундаки, савдо ходимининг кундалик фаолияти, юриш-туриши доимо жамоатчилик кўз ўнгида бўлмоқда. У сал кўли эгрилик қилса, дарҳол ошкора бўлади, лоқайдлик, ўзбошимчалик ҳолатларига эса жамоатчи назоратчилар мутлақо йўл қўйишмайди.

Эндиликда жамоатчи назоратчилар нафақат меъёрланган озиқ-овқат турлари сотилишини назорат қилмоқдалар, балки айрим жиноятларнинг очилишига ҳам яқиндан кўмак беришяпти. Масалан, улар Олтиариқ тумани Эски араб қишлоғида фуқаро Ж. Аҳмедовнинг хурмача қилиқларини илғаб қолишди. Бу нобакор «Боғдоддонмаҳсулот» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилган унни савдо идораларига таллуқли бўлмаган биноларда, кўча-кўйларда қиммат нархда сотаётган эди. Бир жиноят иккинчи жиноятга олиб келди. Ж. Аҳмедов ҳар бир қопи 45 килограмм бўлган биринчи нав унни 5800-5900 сўмдан сотаётганлиги аниқланди. Унинг уйи текширилганда, 560 қоп ун омборга ғамлаб қўйилгани ошкор бўлди. Бу маҳсулотлар қаердан олинган? Маъмурий органлар ходимлари ҳозир шу масалага ойдинлик киритмоқдалар.

Жамоатчи назоратчилар томонидан, шунингдек, Боғдод туманидаги қандолат ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар фаолияти ҳам ўрганиб чиқилди. Текширув асносида туман матлубот бирлашмаси омбор мудири Р. Парпиев 869 минг сўмлик 8 турдаги маҳсулотни ноқонуний равишда талон-тарож қилиб юборгани аниқланди. Пировардида истеъмолчиларнинг бу ризқи ўрни қопланди. Шу тумандаги давлат таъминоти корхонасига қарашли омбор мудири ҳам меъёрий озиқ-овқатлардан 352 минг сўмлигини таниш-билишларга тарқатиб юборган экан. Айни кунларда прокуратура мазкур ҳолат бўйича тергов ҳаракатларини олиб бораяпти.

Боғдодлик ва олтиариқлик назоратчиларнинг бу тажрибаси қўшни туманларда ҳам қўлланилмоқда. Хусусан, бувайдалик назоратчилар туман «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамиятига қарашли макарон ишлаб чиқариш цехини текширганларида, салкам 5 тонна ун бозор баҳосида сотиб юборилгани кузатилди. Ҳужжатларда эса «ун келтирилди, маҳсулот ишлаб чиқарилди», деб қайд этилган эди. Бу қалбакиликни хаспўшлаш учун цех раҳбарлари З. Сулаймонова мудир бўлган савдо дўконига маҳсулот ҳисобига нақд пул топширадилар.



Оби-ҳаёт

ДЕҲҚОННИНГ ТАДБИРИ КЎП

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил биринчи ярми якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисидаги маърузасида ва якунловчи нутқида жорий йилда қишлоқ хўжалиги ривожланиши ва самарадорлиги яна бир қийинчиликка — сув танқислиги ва қурғоқчиликка дуч келганлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар. Мамлакатимизнинг бир катор вилоятларини, жумладан, Хоразмни сув билан таъминлаш кескин камайганлигини таъкидладилар.

Вилоятнинг жами 250 минг гектар майдони учун кунига 34,6 миллион кубометр сув зарур. Аммо бу йил оби-ҳаёт таъминоти 50-60 фоиз атрофида бўлди. Бу бир қатор мушкулликлар, қийинчиликлар туғдирганлиги табиий.

Шундай бир паллада Туямўйин сув омбори деҳқонлар жонига аро кирди. Мураккаб шароитларда унда тўпланган сув ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жойларда уни коллектор-дренаж сувлари билан аралаштириб ишлатиш чора-тадбирлари кўрилди. Шу сабабли коллектор-зовурларга 263 та насос ўрнатилди.

Сув насослари сони яна бир ярим баравар оширилди. Уларнинг иш самарадорлиги ҳам сезиларли даражада ортди. Ёнилғи-мойлаш материаллари билан узлуксиз таъминланиб турилди.

Гурлан туманининг бир қатор хўжаликлари дарё бўйида жойлашган. Уларга осон бўлгандир, деб ўйларсиз. Йўқ, аксинча, дарё ўзанини ўзгартириб, қирғоқдан беш юз метрча узоқлашиб кетганлиги мушкулликлар туғдирди. Шу сабабли дарёнинг ичидан ўзангача тўрт канал қазишга тўғри келди.

— Табиатдан ўпкалаб бўлмайди, — дейди шу тумандаги «Гулистон» ширкат хўжалиги пудратчиси Гулой Аҳмедова. — Бир йил ундай келса, бир йил бундай келади. Берганига шукримиз кўп. Икки гектар еримизга иложини қилиб экин экиб ҳам олдик, уни парвариш ҳам қилаяпмиз. Худо хоҳласа, ҳосилимиз кам бўлмас.

Унинг гапларини Ражаббой Жуманов, Илҳом Қурбонниёзов, Шомурод Сапошов сингари пудратчилар ҳам маъқуллашди. Уларнинг чеҳраларида хорғинлик аломатларини эмас, синовларда тобланиб, табиат имтиҳонларини мардонавор енгиб, куч-қувватлари ортаётганлигини кўриш мумкин эди.

Иймоннинг ярми сабр, ярми шукрдир, дейилади муқаддас оятда. Халқимизнинг сабрлилик, шукронани канда қилмаслик фазилатлари бу йилги оғир синов даврида ўзини яна бир бор кўрсатди. Шу сабабли унинг ризқ-рўзи кам бўлмаслиги муқаррар.

Сув учун, ҳосил учун кураш бугун ҳам бир лаҳза бўшашмаяпти. Ахир сарҳисоб дамлари ҳам жуда яқин. Олдинда қутлуғ истиқлол байрами турибди.

Сотим АВАЗ,
«Халқ сўзи» мухбири.

"МИНИТЕХ-2000" — ИШБИЛАРМОНЛАР УЧУН

Нукусда "Минитех-2000" савдо кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Германия, Чехия, Россия, Исроил давлатлари ҳамда мамлакатимиздаги 25 та фирма ва компанияда, корхоналарда ишлаб чиқарилган минитехникалар, технологик линиялар, ускуналар, ҳар хил тайёр маҳсулотлар намойиш қилинди.

Қорақалпоғистонлик ва хоразмлик 500 нафарга яқин ишбилармон ҳамда тадбиркорлар икки кун давомида кўргазма залларини қизиқиш билан томоша қилди. Уларга «Полимекс» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи минитехнологик линиялари, Омск шаҳридаги корхонанинг ўрта қувватли тракторлари, Исроилнинг "АИК-ЛТД" фирмаси тайёрлаган томчилаб суғориш технологияси, Тошкентдаги "АСОТЕК-Чироқ", "Покиза" корхоналарида тайёрланган ускуналар, айниқса, манзур бўлди.

Кўргазма якунида 26 миллион сўмлик техника харид қилинди ва 38 миллион сўмлик шартномалар имзоланди.

А. ИСКАНДАРОВ,
ЎзА мухбири.

СИРДАРЁ БАҒРИДА КЕЗАР ИСТИҚЛОЛ



ФЕРМЕРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ДОЯСИ

Мустақиллик сирдарёлик деҳқоннинг кўзини очди. У нонини туя қиладиганларнинг буйруғига юрмайдиган бўлиб қолди. 2384 та фермер хўжалиги ана шу ишнинг этагига маҳкам ёпишди. Натижада вилоятда ишлаб чиқарилаётган жами қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларининг 30 фоизи айнан фермерлар меҳнати туфайли юзага келмоқда.

Оқолтин туманидаги Жойноқ ота Бегматов, Боёвут туманидаги Абдуғаффор Жабборов, Меҳнатобод туманидаги Сулаймон Йўлдошев ва Гулсара Умарова каби фермерлар пахта, ғалла етиштиришда, чорвачилик соҳасида ўзига хос мактаб яратишди.

Аянчли, шу билан биргаликда ғалати бир тарих. Гулистон туманидаги собиқ Крупская номли, ҳозирги «Бешбулоқ» фермерлар бирлашмасига Қодирқул Ҳотамов деган бир инсон 26 йил узлуксиз раислик қилган эди. Ана шу ҳалол ва ҳокисор одам оиласи учун дарё бўйидаги чимдан кичкина бир уй қурди. Аслида у уй эмас, ўзи учун маломат биноси тиклаган эди. Бир йил ичида мана шу уй қайси маблағ эвазига қурилганлигини аниқлаш учун 18 маротаба гуруҳ-гуруҳ текширувчи келди. Улар раисни соатлаб сўроққа тутишар, чим деворни гоҳ у еридан, гоҳ бу еридан ўйиб кўришарди. Қодирқул Ҳотамов қаршилик кўрсатолмасди. Текширувчилар пишган гишт ва пул қидиришган. Раис учун осмон йироқ, ер қаттиқ эди. Бу воқеалардан сўнг Қодирқул Ҳотамов узоқ яшамади. Раҳматли вафот этганида, унинг уйидан бошқа нарсалар у ёқда турсин, ҳатто тўрт қулоч кафанлик ҳам топилмади. Раисни ҳамқишлоқлари ўртада кўмишди.

Ҳозир мана шу «Бешбулоқ» фермер хўжаликлари бирлашмасида Абдулазиз Ҳайдаров деган фермер ишлайди. У ҳар йили юз гектарлик пахта ва ғалла майдонидан миллион-миллион сўм даромад олади. У уч ўғли билан бир оилада яшайди. Ҳайдаровлар хонадонини саройга менгзаш мумкин. Нақшинкор дарвоза ва пештоқлар, ганч билан оро берилган кўплаб хоналар, яратилган шарт-шароит бу оиланинг аҳил ва тўқлигидан гувоҳлик беради. Ана энди дўппини ёнга қўйиб, хаёлимиз жиловини бўш қўяйлик. Мана шу Абдулазиз Ҳайдаров топаётган даромади, қурган биноси, тагида миниб юрган Асака машинасидан хавотир олармикан? Нега чўчисин? Бу жарақ-жарақ пуллар, бу бойликлар пешона тери эвазига келгач, у кимдан ҳам ҳайиқсин?! «Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич» деган нақл бор, ахир.

Шу кеча-кундузда минг нафарга яқин сирдарёлик фермер ва тадбиркор «Нексия», «Тико», «Дамас» автомобилларини сотиб олишди. Бу одамларнинг ҳар бири «қулдай ишлаш ва бекдай яшаш» ҳавосини олдилар. Ўзинг учун, фарзандларинг учун «қулдай ишлаш»нинг айби бормикин? Асло! Эндиги давр ишнинг кўзини билган, меҳнатни оғамсан, инимсан, деб қўлидан маҳкам тутган одамники бўлиб қолди.

Бу фалсафанинг мағзини вилоятдаги минглаб оилавий пудратчилар ҳам чақишга улгуришди. Сайхунобод туманидаги «Ғалаба» ширкат хўжалигининг раиси Назира Ғаниева қўлимизга узун бир рўйхатни тутқазди. Унда 5 тоннадан тортиб 17 тоннагача дон олган оилавий пудратчиларнинг исми-шарифи битилганди.

Қишлоқдаги бир хонадонда дока рўмол қуриганчалик тез ўтиб кетадиган эр-хотиннинг уриши устидан чиқдик. Бир пиёла чой ичгулик вақт ичида жанжалнинг боиси маълум бўлиб қолди. Хонадон эгалари 15 тонна буғдойни қайга жойлашни билмай, «сен-менга» боришибди. Омбор тўлган, ошхона тўлган, ундан ортган буғдой ҳовли четидаги бўлғор қалампирларининг уватларигача етиб борганди.

Боёвут туманидаги «1-Боёвут» ширкат хўжалиги оилавий пудратчиси Жумабой Мираминов 20 тонна буғдойни мукофот тарақасида олди. Шунингдек, Зафар Бектўраев, Ғофур Гулмуродов, Олимжон Суяров, Равшан Омонтоев, Бобоназар Жуманов сингари пудратчиларнинг ҳар бири эса 12-17 тоннадан буғдойга эга чиқишибди. Шу тумандаги «Тараққиёт», «Ғаллакор», Усмон Юсупов, Сирдарё туманидаги «Синдоробод» хўжаликларида ҳам деҳқоннинг пичоғи бу йил мой устида бўлди. Ўнлаб ширкатлар даладаги ишчилардан ортириб ўқитувчи, шифокор, меҳнат ва уруш фахрийларига тонна-тонна буғдой тарқатди. Ишлаган одам тишлайди, деганлари мана шу бўлса керак-да. Бу йил ғалла талон-тарожлигига йўл қўйилмади. Давлат буюртмасини ошириб бажарган оилавий пудратчилар, фермерлар раҳбарларнинг бирон-бир зўравонлигини кўрмаганлиги ҳам янги давр шарофати эмасми? Одамлар аста-секин бир ҳақиқатнинг тубига етдилар. Эндиликда ким ишласа, ким ҳалол тер тўкса, унинг хонадонига даромад эгиз-эгиз бўлиб кириб келаверади. Бундай шароитда ташаббус ҳам, ғайрат ҳам қанот қоқаверади.

ВИЛОЯТДА

• Фақат сўнгги беш йил ичида 170 чақиримлик водопровод ва 700 чақиримдан кўпроқ масофага янги газ қувурлари ётқизилди.

• Фермерлик ҳаракати кенг қулоч ейди. 1999 йилда 1550 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатган бўлса, бу йил уларнинг сони 2492 тага етди. Бу хўжаликларда 25300 нафар киши ғаллачилик, чорвачилик билан шуғулланмоқда. Фермер хўжаликлари вилоятда жами қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 23 фоизини етиштирмоқда.

ЖАМОАТЧИЛИК ЗИММАСИГА ОЛЯПТИ

Назоратчиларнинг синчковлиги туфайли биргина Боғдод «Матлуботсавдо» акциядорлик бирлашмасига қарашли 32 та савдо дўконида 126 минг сўмлик меъёрий озиқ-овқатлар талон-тарож қилинганлиги аён бўлди. Шу туман ҳудудидаги Конизар қишлоғида жойлашган 13-сонли дўкон мудири А. Мамажонов эса жорий йилнинг 5 ойи мобайнида аҳолига 32 тонна ўрнига атиги 22 тонна ун сотган. Савол туғилади: агар назоратчилар аралашмаганларида, виждонини ютган А. Мамажонов қачонгача маҳалладошларининг насибасига чанг солиб юрарди?

Риштон туманидаги 10-савдо дўкони мудири М. Абдуллажонов ҳам «улгуржи» иш қилишни яхши кўрадиганлар сирасидан экан. У бир килограмми 61 сўм турадиган 1-нав унни 71 сўмданга пуллашдан уялмаган. Мудир 88 қоп унни кўз очиб-юмгунча тарқатиб, нақд 39 минг 600 сўм фойдани чўнтагига жойлаётганда, назоратчи жамоатчиларга рўбарў келди. Энди бу олғир эл-юрт нафратидан ташқари қонун олдида ҳам жавоб беради.

Эътиборли томони, прокуратура органлари томонидан, назоратчиларнинг тавсияларига кўра, вилоятдаги «Матлуботсавдо», «Фарғонасавдо» акциядорлик компанияларининг шаҳар ва туман бўлимларига аниқланган текширишлар бўйича 42 та тақдимнома, 51 та амрнома киритилди, 24 нафар шахс қонун бузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилди, 48 нафар кишига нисбатан интизомий, 55 нафар шахсга эса маъмурий-ҳуқуқбузарликка доир ишлар қўзғатилди, 9 та жиноий иш бўйича эса тергов ҳаракатлари олиб борилаяпти.

Фақат шугина эмас. Ўтган икки ой мобайнида вилоят бўйича марказлашган манбалардан турли сабабларга биноан олинмаган 5777 тонна ун, 154 тонна ўсимлик ёғи, 22 тонна хўжалик совуни ва шунга ўхшаш меъёрий маҳсулотларнинг ўрни тўлдирилди.

«Фарғонасавдо» акциядорлик компаниясида эса халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини тубдан яхшилашга эришилди. Яъни, бундай корхоналар сони 67 тага етказилди. Уларда эса қисқа вақт ичида 114 тонна қандолат маҳсулотлари, 600 тонна нон маҳсулотлари, 221 тонна макарон ишлаб чиқарилиб, аҳолига етказиб берилди.

— Илгари ҳудудимиздаги савдо дўконларининг ғайриқонуний ишлари билан шуғулланса, бизга кўпроқ эътироз билдириларди, — дейди Фарғона туманидаги Водил қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ортиқали Жўраев. — Прокуратура органларининг тавсияси билан жамоатчи назоратчилар гуруҳи тузилгач, истеъмолчиларнинг таклифлари, эътирозлари, муаммоларини атрофлича ўрганиб чиқиш имконияти туғилди. Натижада меъёрий озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб берилмоқда. Биз бу ташаббусни бошлаб берган вилоят прокуратурасининг фаолиятини тўла қўллаб-қувватлаймиз.

— Сир эмас, аҳолини 8 турдаги маҳсулот билан таъминлашда анча узилишлар содир бўлаётган эди, — дейди Тошлоқ шаҳарчасидаги «Дўстлик» маҳалласи оқсоқоли Эркинбой Асқаров. — Савдодаги бу муаммоларни прокуратура ходимлари билан бўлган учрашувда рўй-рост айтдик. Улар илгаригидек ёрдам бериш тўғрисида гапирмай, назоратни ўз қўлимизга олиш тўғрисида тавсиялар беришди. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни бизга шундай кафолат беришини тушунтиришди. Биз ўз ҳақ-ҳуқуқимизни тушунганлигимиз туфайли ҳам, 8 турдаги маҳсулотни ўз вақтида олаяпмиз. Энг муҳими, бугун одамларда савдо ходимларига нисбатан ишонч пайдо бўлди.

— Биз Фарғона шаҳрининг аҳоли энг зич яшайдиган Шароф Рашидов номли маҳалласида истиқомат қиламиз, — дейди шу маҳалла оқсоқоли Шаҳобиддин Зуҳриддинов. — 53-савдо дўконидан 2650 нафар аҳоли меъёрий озиқ-овқатларни сотиб олади. Жамоатчилик назорати ўрнатилганлиги учун ҳам, ун, шакар, хўжалик совуни, ўсимлик ёғи доимий равишда пештахтада бўлаяпти. Энг муҳими, ҳар бир савдо дўконида шу озиқ-овқатларнинг керакли миқдордаги заҳираси мавжуд.

— Бу тадбирларнинг самараси тезда кўзга ташланиб қолди, — дейди Фарғона вилоят прокурори, адлия маслаҳатчиси Юсупжон Абдукаримов. — Сўнгги ойларда Фарғона вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари, ҳокимликлар, оммавий ахборот воситалари муҳарририятларига савдо ходимлари устидан шикоятлар, эътирозлар тобора камроқ тушаяпти. Демак, вилоят прокуратураси ташаббуси билан иш бошлаган жамоатчи назоратчилар ҳамма жойда ҳушёр турибдилар.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «2000 йилда ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ,

«Интер Карго Сервис» қўшма корхонаси — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Тошкент аэропортидаги юк ташиш бўйича бош агенти, барча турдаги ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини қабул қилиш, ишлов бериш ва мунтазам йўловчилар ташиш ва чартер йўналишларида юкларни МДҲ ва узоқ мамлакатларга жўнатиш бўйича хизматларини таклиф этади.

Сизнинг хизматингизда:

- ✓ *ҳаво парвозлари талабларига жавоб берадиган шартларда турли хил юкларни етказиб бериш;*
- ✓ *хилма-хил йўналишлар;*
- ✓ *халқаро талаблар даражасидаги хизматлар;*
- ✓ *юклар сақланишининг кафолати;*
- ✓ *замонавий юк терминали;*
- ✓ *умумий майдони 3000 кв.м.дан зиёд омборхоналар;*
- ✓ *юқори малакали мутахассислар;*
- ✓ *ҳаво йўллари бўйлаб юк ташиш бўйича турли маслаҳатлар;*
- ✓ *юкларни топшириш ва қабул қилиб олиш бўйича ёрдам кўрсатиш.*

Мижозлар диққатига!
2000 йил 14 июлдан 15 октябргача *мавсумий чегирмалар жорий этилиб, ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш қуйидаги йўналишлар бўйича* ***25%*** *га арзонлаштирилди:*

Москва, Челябинск, Новосибирск, Красноярск. Самара,

INTER CARGO SERVICE
ҚЎШМА КОРХОНАСИ СОВМЕСТНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ

САМОДАГИ ЮКЛАР УЧУН МАСЪУЛИЯТ ЮКИ

Тошкентдаги телефонлар: 50-40-03, 55-12-68, «Тошкент» аэропортидаги ички телефонлар: 13-58, 13-21, 13-22.

2057

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 25 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:/*

1 Австралия доллари	162,60	10 Люксембург франки	64,13
1 Австрия шиллинги	18,80	1 Малайзия рингити	72,73
1 Англия фунт стерлинги	419,50	1 Германия маркаси	132,28
10 Бельгия франки	64,13	1 Польша злотийси	64,34
1 Голландия гульдени	117,40	1 СДР	364,95
10 Греция драхмаси	7,69	1000 Туркия лираси	0,44
1 Дания кронаси	34,71	1 Финляндия маркаси	43,51
1 БАА дирхами	75,25	1 Франция франки	39,44
1 АҚШ доллари	276,35	1 Швейцария франки	166,41
1 Миср фунти	79,53	1 ЕВРО	258,72
10 Испания песети	15,55	10 Жанубий Корея вони	2,48
100 Италия лираси	13,36	10 Япония иенаси	25,45
1 Канада доллари	187,88	1 Россия рубли	10,00
1 Хитой юани	33,38	1 Украина гривнаси	50,81

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ҚИШЛОҚДА КОНСЕРВА ЗАВОДИ

Қизилтепа туманидаги Қосим Қобилов номли кооператив хўжалигида саноатни қишлоққа олиб кириш, янги иш ўринлари яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ерда илгари трикотаж ва ҳунармандчилик цехлари очилган эди, яқинда эса консерва заводи ишга туширилди.

Янги завод йилига 3 миллион шартли банка мева ва сабзавот консервалари ишлаб чиқариш қувватига эга. Яъни, унда томат, ўрик, беҳи шарбатлари, тузланган саримсоқ, олма ва шафтоли компотлари ва бошқа маҳсулотлар тайёрланади. Ҳозирнинг ўзидаёқ 25 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

Хомашё хўжаликнинг ўзидан келтирилаяпти. Бу йил 20 гектар боғ, 30 гектар токзорда мўл ҳосил етиштирилди.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, шу биргина консерва заводи маҳсулотларини сотиш ҳисобига жамоа 10 миллион сўм фойда олиши мўлжалланаяпти.

Ў. ИКРОМОВ.

1991–2000 9

СИРДАРЁ БАҒРИДА КЕЗАР ИСТИҚЛОЛ





ВАТАН ҲАЙРАТУ ҲАВАСДАН БОШЛАНАДИ

Мустақиллик юртимизга, хусусан, Сирдарёга нима берди, деган саволга ҳеч иккиланмай «У ёшларнинг билим олишига, бугунги ва эртанги ёруғ келажагига кафолат берди» дея жавоб бериш мумкин. Худди Ғулистон, Янгиер, Ширин, Сирдарё ва Бахт шаҳарларидаги каби Боёвут, Сайхунобод, Шароф Рашидов, Оқолтин, Меҳнатобод, Гулистон, Мирзаобод туман марказларида ўнлаб ихтисосликларни эгаллашга йўналтирилган кўплаб лицей ва коллежлар қурилди. Боёвут тумани марказидаги лицейнинг 10-синф ўқувчиси Беҳзод Жўлбеков республика беллашувларида ғолиб чиқиб, Руминия пойтахти Бухарестда бўлиб ўтган ёш математикларнинг жаҳон олимпиадасида иштирок этди ва кучли ўнликка кирди.

Гулистон давлат университети қошидаги академик лицейда бугунги кунда кўплаб профессорлар дарс бермоқда. Бу билим даргоҳига вилоятдаги энг зукко, энг сара ўқувчилар тест синови орқали қабул қилинади. 600 нафар ўқувчига мўлжалланган лицейнинг 300 ўринли ётоҳонаси, 5 гектар боғи, спорт мажмуалари, 50 минг нусха китоб жилдига эга кутубхонаси мавжуд бўлиб, барча ҳаракат ва диққат-эътибор ўқувчиларнинг пухта билим олишларига йўналтирилган.

Вилоятдаги «Қувонч» боғча-интернат тажрибаси бугунги кунда бутун республикага ёйилди. «Қувонч»да математика ва инглиз тили чуқур ўргатилади. Боғчанинг икки-уч ёшли тарбияланувчилари расм чизишни, ашула айтишни, тўрт-беш ёшли ўқувчилари эса инглиз тилида сўзлашни ўрнига қўйишади.

Вилоятдаги 312 та ўрта мактабда бугунги кунда минглаб ўқувчилар мустақил ҳаётга қадам қўйиш учун пухта тараддуд кўришмоқда.

Мустабид тузум даврида Сирдарёдан биронта ҳам тилга тушган спортчи чиқмаган эди. Ҳозирда мирза-чўлликлар таэквандо бўйича жаҳон чемпиони Владислав Нам, армреслинг бўйича 2 карра жаҳон чемпиони Умид Аҳмедов билан ҳақли равишда фахрланишади. Орадан ўтган тўққиз йил ичида қишлоқ, туман марказлари ва шаҳарларда юзга яқин катта ва кичик ўйингоҳлар, теннис майдонлари, сузиш ҳавзалари бунёд этилдики, бу ҳол соғлом авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Айнан истиқлол йилларида вилоятда маданият ва санъат аҳлига эътибор кучайди. Олим Хўжаев номидаги вилоят мусиқали ва драма театри бутунлай қайтадан таъмирланди. Бу ижодий жамоанинг кўплаб саҳна асарлари Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг олтин жамғармасидан ўрин олди. Бундан тўрт-беш йил муқаддам жажжи Дилшод Каттабековни, унинг жарангдор қўшиқларини фақат оила аъзоларию қўни-қўшнилар тинглашарди, холос. Ажойиб овоз эгаси, беназир иқтидор соҳиби бўлмиш Дилшодни бугунги кунда Ўзбекистонда танимайдиган киши топилмаса керак. Ўн ёшли Дилшод аллақачон учта бадиий фильмда бош ролларни ижро этди.

Мустақиллик йиллари вилоятда 60 га яқин шифохона ва қишлоқ врачлик амбулаториялари, 27 та мактаб ва 9 та мактабгача тарбия муассасаси қурилди. Ширин, Янгиер ва Гулистон шаҳарларида, шунингдек, Боёвут ва Шароф Рашидов туманларида оналар ва болалар шифохонаси иш бошлади.

* * *

Биз бугун ўзи мўъжазу қалби уйғоқ юрт ҳақида мухтасар бир ҳикоя айтдик, холос. Тўғри, бу юртда баланд-баланд тоғлар йўқ. Бу юртда тошқин ва шошқин сойлар ҳам саноқли. Бу элда лолаю лолақизғалдоқлар лов-лов ёнадиган қир-адирлар ҳам у қадар кўп эмас.

Аммо, лекин, бироқ...

Бу юртдаги салкам 650 минг нафар аҳоли тўққиз ёшли болакайнинг қўлидан маҳкам тутиб, оппоқ тонгдан ранг олган келажакка пешвоз чиқмоқда. Бу одамлар ҳар кеч ва ҳар тонг бу болакайнинг пешонасидан ўпиб-ўпиб олмоқда. Улар биладики, мана шу кўзлари чақноқ, мана шу тили қанду асал болакайсиз ўзбек деган бир элда, Ўзбекистон аталмиш бир юртда на қушиқ бор, на куй бор.

Бу болакайнинг исми юракка жуда-жуда яқиндир. Унинг исми ИСТИҚЛОЛдир!

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,
Исмат ХУДОЁРОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.
Суратлар муаллифи Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА).



ВИЛОЯТДА

● 1995 йили 120 ўринли шифохоналар қурилган бўлса, 1997-1999 йиллар мобайнида 2000 нафар беморни қабул қиладиган, даволайдиган поликлиника ҳамда қишлоқ врачлик амбулаториялари барпо қилинди. 1995 йилда 2176 нафар ўқувчига мўлжалланган 6 та мактаб қурилган бўлса, кейинги йилларда салкам 9 минг нафар ўқувчига мўлжалланган 21 та янги мактаб қурилиб, ишга туширилди.

● 825 ўқувчига мўлжалланган лицейлар бунёд этилди. Шунингдек, 1950 ўринли коллежлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.



ПОЛВОНЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Спорт

Россиянинг Красноярск шаҳрида машҳур атлетикачи Иван Яригин соврини учун эркин кураш бўйича нуфузли халқаро турнирлардан бири ўз ниҳоясига етди. Мусобақаларда Осиё ва Европанинг 30 дан ортиқ мамлакатидан ташриф буюрган спортчилар иштирок этди.

Ҳамюртларимиз Игорь Купеев – 69 килограмм, Артур Таймазов – 130 килограмм вазн тоифаларида иштирок этиб, турнирнинг олтин медалларини қўлга киритишди.

Сидней Олимпиадасига йўлланма олган юртдошимиз Артур Таймазов Олимпиада медали учун курашишга муносиб эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

(ЎзА).

ОРОЛБЎЙИ ЁШЛАРИ ТОШКЕНТДА ЎҚИШАДИ

Қорақалпоғистон Республикаси театр жамоалари ёш ва талантли мутахассисларга катта эҳтиёж сезмоқда. Шу боис Қорақалпоғистон ҳукумати саъй-ҳаракати билан Маннон Уйғур номидаги Санъат институтида қорақалпоқ ёшлари учун махсус гуруҳ очилди. Оролбўйи ҳудудидан келган йигит-қизлар мазкур институтнинг актёрлик, режиссёрлик ва театршунослик бўлимларида таълим олади.

(ЎзА).

Қимматли қоғозларнинг давлат марказий депозитарийси

ҳуқуқшунос лавозимига

ишга қабул қилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент, «Бухоро» кўчаси, 10.

Тел.: 136-14-34.

3099

«ВАҚТ»

МИЛЛИЙ ДЕПОЗИТАРИЙ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ва унинг барча вилоятлардаги шўъба корхоналари

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 2000 йилнинг 9 мартида берилган 107-сонли депозитарлик фаолияти юритиш лицензияси, 1997 йилнинг 22 майида берилган 577-сонли реестр юритиш фаолияти лицензияси

АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТЛАРИГА, ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА ДЕПОЗИТАРЛИК ВА РЕЕСТР ЮРИТИШ БЎЙИЧА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТАДИ.

БИЗНИНГ ШИОРИМИЗ:
МИЖОЗ-БИЗНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИМИЗДА!!!
Бизнинг қоидаларимиз:

ҲАҚҚОНИЙЛИК•ИШОНЧЛИЛИК•ТЕЗКОРЛИК •СИФАТЛИЛИК•ПРОФЕССИОНАЛИЗМ •МАХФИЙЛИК•ЭНГ АРЗОН НАРХЛАР .

Мурожаат учун телефонлар: (3712) 132-10-45; Факс: 136-77-84, 9-00 дан 18-00 гача, шанба ва якшанба кунларидан ташқари.

3124

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 133-78-92;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 516, 22228 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ЎТБОСАРОВ.
Навбатчи — О. РАЖАБОВ.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 21.50
1 2 3 4 5 6

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ФИЛЬМЛАРИ

«Маънавиятимиз қўлимизда енгилмас кучга айлансин!». Шу йилнинг 2-7 август кунлари Бухоро шаҳрида ўтказиладиган учинчи республика миллий фильмлари фестивалининг шиори ана шундай. Анъанавий бўлиб бораётган ушбу анжуман Бухоро вилоят ҳокимлиги ва «Ўзбеккино» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилаяпти.

Фестивалда Шуҳрат Аббосов, Мелис Абзалов, Ёқуб Аҳмедов, Эркин Комилов, Юсуф Розиқов сингари таниқли киноижодкорлар, Юлдуз Усмонова, Насиба Абдуллаева каби эстрада юлдузлари иштирок этишади. Шунингдек, Мирзабек Холмедов бошчилигидаги қизиқчилар театри ҳам фестивал қатнашчилари хизматида бўлишади.

Мазкур анжуман давомида «Алпомиш», «Қисмат», «Чимилдиқ», «Аёллар салтанати», «Феллини» бадиий фильмлари намойиши билан бирга жойларда санъаткорлар билан кўплаб учрашувлар ўтказилади.

Фестивалнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари «Бухоро» стадионида бўлиб ўтади.

Озод БЕК,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мардлар қўриқлайди Ватанни!

СОКИНЛИКДА ОТИЛГАН ЎҚ

Кичик сержант Ш.Қурбонов, оддий аскарлар К.Дўстов ва Н.Дўлановлардан иборат чегара наряди дарё бўйлаб кузатиш олиб бораётган эди. Назоратиз «белбоғи», қирғоқбўйи чангалзорлари, сув юзасидаги ҳолатлар — ҳеч бир нарса чегарачилар назоратидан четда қолмасди. Бу сокинликни баногоҳ отилган ўқ овози бузиб юборди. Дарё ўртасидаги оролдан отилган ўқ жангчилар боши оша ёқимсиз ҳуштак чалиб ўтди.

— Ётилсин! — буюрди наряд бошлиғи.

Қурбонов дарҳол чегара пости билан рация орқали боғланди, вазиятни маълум қилди. Бу орада яна икки марта ўқ отилди. Шундан кейин тожик тилида бақириқ-чақириқ, чегарачиларга дўқ-пўписалар эшитилди.

Дарҳол етиб келган шошилинч гуруҳ чегара бузувчиларини тутиш чораларини кўрди. Чегара наряди эса хизмат бурчини бажаришни давом эттирди.

Кейинчалик аниқланишича, чегарачилар бир йил бурун чегара бузувчисининг ўғлини мамлакатимизга тақиқланган моллар олиб ўтаётганида ушлаб олишган ва ҳозир у жазо муддатини ўтаётган экан. Бузғунчи шунинг «ўчи»ни олиш учун наркотик кайф таъсирида чегарачиларимизни ўққа тутаётган экан.

Чегарадаги сокинликка чиндан ҳам ишониб бўлмайди. Шу боис аскарлар ҳар аснода кутилмаган ҳодисаларга тайёр бўлиб туришади. Шундай кезларда ягона тўғри қарорга келиш ва оқилона ҳаракат қилиш — чегарачи аскарларнинг асосий фазилатидир.

ПАНД ЕДИ

Чегара назорат пункти орқали ҳар куни юзлаб одамлар ўтади. Биров тўй-маъракага, биров бозор-ўчарга отланади. Ёз бошланиб, сайру саёҳатчилар ҳам кўпайган. Афсуски, гоҳигоҳида чегара назоратини четлаб, чегарачилар кўзини «шамғалат» қилиб ўтишга интилувчи кимсалар ҳам топилиб қолади. Уларнинг мақсади битта: қандай қилиб бўлса ҳам, мўмай пул ишлаб олиш.

Ўша куни оддий аскарлар Ш.Шакулов, Ш.Рашидов ва Д.Жамоловлардан иборат чегара наряди чегараолди сўқмоқ йўлида Тошкент шаҳрида яшовчи бир аёлни тўхатишди. У қўшни республикадан қайтиб келмоқда эди. Уни тинтиб, жанговар қуролга айлантирилган газ тўппончасини ва унга мўлжалланган ўн етти дона 9 миллиметрли ўқни яшириб олиб келаётганини аниқлашди. Бу қурол манзилига етиб борса, қанчадан-қанча фожиалар сабабчисига айланиши мумкин эди.

Ваколатли идоралар бу ҳолат бўйича текширув олиб боряпти.

ЗИЙРАКЛИК САМАРАСИ

Чегара назорати пунктида ҳарбий хизматчи А.Истанқулов ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган бир фуқарони тўхтатди. У ўзини қўярга жой тополмасдан, талвасага тушиб қолди. Нимадандир ҳадиксираётгани шундайгина сезилиб турарди.

Уни маҳаллий касалхонага олиб бориб, рентгенда текшириб кўришди. Буни қарангки, «тадбиркор» бу кимса қорнига 30 грамм героинли капсулаларни «жойлаб» олган экан.

Энди бу фуқаро нима — ҳаётми, эркинликми, мўмай пулми — азизлиги хусусида мушоҳада юритишга етарли вақт топади.

Шоёнбек КАРИМБОЕВ.

"MIRED" ХУСУСИЙ ФИРМАСИ

қуйидаги ремонт-қурилиш ишларингизни тез, сифатли ва кафолатли бажариб беришни таклиф қилади:

- Лойиҳа ижроси, иншоот смета қийматининг ҳисоб-китоби
- Ички ва ташқи дизайнни Оврупа стандартлари бўйича ишлаб чиқиш
- Биноларни ва иншоотларни «нол цикли»дан бошлаб тиклаш
- Биноларни таъмирлаш ва капитал ремонтдан чиқариш
- Электр-монтаж ишлари
- Сантехника ишлари
- Қозонхонани таъмирлаш бўйича тавсиялар берган ҳолда иншоотларни текшириб чиқиш
- Паркет гуруҳини ётқизиш
- Осма шиплар монтажи
- Муҳофаза-ёнғин сигнал тизимини ўрнатиш
- Алюминдан ясалган витражларни ўрнатиш



Ишлар буюртмачининг талаб ва истаклари ҳисобга олинган ҳолда қисқа муддатларда бажарилади. Буюртманинг шошилинч бажарилиши ишларнинг сифатига таъсир кўрсатмайди.

Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 59.
Тел.: 137-49-08, 130-94-80

3010

«MALVIL» МЧЖ *саноат электр жиҳозларини жаҳондаги машҳур корхоналардан бевосита етказиб беради.*

ДИЗЕЛЛИ ВА БЕНЗИН БИЛАН ИШЛАЙДИГАН КУВВАТИ 300 ВА дан 800 кВАгача БЎЛГАН
ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯЛАР
исталган кувватдагиси

Ишлаб чиқарувчилар: *Германия* (GEKO), *Италия* (Lifter), *Япония* (Honda), *Россия*

UPS – **КУВВАТИ 300 ВА дан 800 кВАгача БЎЛГАН УЗЛУКСИЗ ОЗУҚА БЛОКЛАРИ**

Ишлаб чиқарувчи: *Франция* (MGE).

КАФОЛАТ. ЗАҲИРА ҚИСМЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ. ТЕХНИК ХИЗМАТ.

2751

Тошкент ш., 700000, В. Малясов кўчаси, 3, 113,115-хоналар.
Тел.: (998-71) 120-68-36, (998-712) 41-31-24, 30-20-36. E-mail: malvil @ operamail. com.

Ўзбекистон Республикаси Миллий реабилитация маркази жамоаси марказ жарроҳлик касалликлари бўлими мудири Миржалол Саидовга волидаси **ЗАРИФА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси маъмурияти «Адабиёт ва радиотеатр» бош муҳарририятининг бош муҳаррири Худойназар Дўстқобиловга онаси **Зулфия ая АЛИМОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Республика миллий лицейи жамоаси ушбу лицейнинг бош ҳисобчиси Шаҳноза Ғаниевага онаси **Салимахон ая ЗАЙНУТДИНОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.